

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

ЖАМҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган



2001 йил 4 январ пайтаниба Сотувда эркин нархда № 3 (2565)

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI OLIY MAJLISI VA ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHQAMASINING GAZETASI



«Нукус-Чимбой» магистраллида



Ургангдаги «Урганчгазтранс» бирлашмаси илгорлардан ҳисобланади. Улар айни пайтда «КС-5», «КС-6», «КС-7» компрессор станцияларидан газни объектларга транспорт воситасида жўнатиш билан шуғулланишмоқда.

Айни пайтда бирлашма жамоаси «Нукус-Чимбой» магистраллига газ қувурларини қайта қуриш ҳамда бешта автоматик газ тақсимлаш станцияларида («Қазіоёкли», «Дўстлик», «Халқобод», «К.Авезов», «Чимбой») қурилиш-монтаж ишларини олиб боришмоқда.

СУРАТЛАРДА: бирлашма қувур ётқизувчиси Самандар Ражабов; тажрибали бинокор Ҳасан Рўзиметов ва газ пайвандчи Бахтиёр Сапаев; пайвандчи Умирбой Абдурайимов. Омонбой МУРOTOV (ЎЗА) олган суратлар.



Кенгаш йиғилиши


Назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгашининг навбатдаги мажлисида назорат органларининг келгуси йилги фаолиятини режалаштириш масалалари кўриб чиқилди. 2001 йилда Республика кенгаши томонидан ҳўжалик юритувчи субъектларнинг назоратини тартибга солиш масалаларига доир Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Президент фармонларининг сўзсиз ижросини таъминлаш, назоратчиларнинг ҳўжалик фаолиятига асосан аралашуви йўли қўймаслик юзасидан ўрнатилган назоратнинг қўйилтирилиши таъкидланди.

Бугун қишлоқ хонадонларининг қай бирига қирманг, ҳовли бурчагидеги ичмаггина молхона ёки қўйхонага қўзингиз тушадди. Борди-ю, ҳар иккиси бўлмаган тақдирда ҳам, мўъжазгина паррандахона эли-борингизни тортади.

Чорвачилик: сарҳисоб сўроққа тутади

Фойдаси ҳамёнга, зиёни-чи?

бод этилмоқда. Қорамоллар бош сонининг тобора камайиб бораётгани соҳа мутасаддиларини ташвишга солмапти. Бундай дейишимизга асос бор. Маълумотларга қараганда, туман бўйича қорамоллар бош сони бир йилда 583 тага озайган, 65 тонна гўшт, 381 тонна сўт кам тайёрланган. Нега?



Шу тариқа «Зарбдор»чилар Янги йилни ёрут юз билан кутиб олдилар. Режалардан 4,2 тонна оқ сўт, 7,4 тонна зиёд гўшт тайёрланди. Даромад ҳам шунга яраша. «Тошкент» ширкат ҳўжалиги чорваларни эса йилни 3,5 миллион сўм соғом фойда билан яқунлашти. Учта ҳўжаликда насли мол сотишдан қўрилган фойда ҳақи бу ҳисобга кирмайди.

Чорвачилик — етти хазинанинг бири, — ўз таърибаси билан ўртоқлашгиси келади уй соҳибининг. — Қозонимизни шу сизилар қайнатайсиз. Сут-қаттиқ, қаймоқ, ҳатто қурт ҳам ўзимиздан.

Чорвачилик катта иқтисодий самара келтираётгани факт. Чунки бу ерда тармоқда алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ташаббускорлар қандай қилинса тийинлардан сўзлар ҳисил бўлишини, бу ҳар икки томон учун ҳам манfaat келтиришни яқин билишди. Меҳнатта онгли муносабат қарор топган. Мана, «Қадиқат» ширкат ҳўжалиги тасарруфидеги Музаффар Жалилов етакчи бўлган «Сардор» ҳисдорлик жамиятида ўтган йилдаги қараганда 14,3 тонна сўт гўшт, 20 тонна сўт сўт тайёрланди. Қорамоллар бош сони 318 бошга етди. 98 бош говишининг саксонтасисини соғин сизилар ташкил этди. Уларнинг ҳар бошидан қиш фаслида ҳам кунга ўртача 5-6 литрдан сўт соғиб олинмоқда.

«Сардор»ликлар эришаётган муваффақиятларнинг асосий омил шундаки, ҳар йили чорва учун етарли миқдорда емиш жамғирлади. Яқунланган йилда ҳам бир шартли молга 17,9 озуқа бирлиги миқдорда озуқа тайёрланди. Ризаев номли ширкат ҳўжалигида насли мол сотишдан қўрилган фойда ҳақи бу ҳисобга кирмайди.

«Сардор»ликлар эришаётган муваффақиятларнинг асосий омил шундаки, ҳар йили чорва учун етарли миқдорда емиш жамғирлади. Яқунланган йилда ҳам бир шартли молга 17,9 озуқа бирлиги миқдорда озуқа тайёрланди. Ризаев номли ширкат ҳўжалигида насли мол сотишдан қўрилган фойда ҳақи бу ҳисобга кирмайди.

«Пахтакор» завод қуради

Олтисой туманидаги «Пахтакор» кооператив-ширкат ҳўжалиги Ботот қишлоғида мева-сабзавотни қайта ишлайдиган завод қуради. Унинг йиллик қуввати 3 миллион шартли банкага мўлжалланган. Помидор томати, мева шербатлари ва қиём ишлаб чиқарилади бўлади.

«Илдизлари теран дарахт»

Инсоният яқин сўз, яқин хулқ, ўзаро ҳурмат-эътибор, дўстлик ва бирдамлик каби асарлар давомидида шаклланган инсоний сифатларни янада ривожлантириш, даврдан даврга олиб ўтишга ҳаракат қилиб келади. Шўқлар бўлинки, биз ҳам халқимиздаги ота-боболаримиздан мерос қолган ана шундай сифатларни сақлаб, ўзимиз билан биргаликда янги аср ва янги мингйилликка олиб ўтатишимиз. Мақсадимиз муҳим бойлигимиз — миллиятларга тотувлик ва ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, камол топтиришдан иборатдир. Ва бу қадриятимиз маънавиятимиз тараққиётини таъминлашнинг асосий омилларидан бири бўлиб қолаверди, деб ўмид қиламиз. Шу боис, газетамиз 2001 йилда ҳам «Илдизлари теран дарахт» деб номланган руқни давом эттиришни ният қилади. Муштарийларимиз бугунги сонининг 2-санафасида Тошкент вилоятига бағишланган мақолалар билан танишадилар.

Мамлакатимизда

Уч ҳафталик тренинг Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги билан Британия Кенгаши ҳамкорлигида давлат таълим андозалари таалабига тўла жавоб берадиган янги дарсликлар устида самарали ишлар олиб боришмоқда. Мақталарнинг бешинчи синфлари учун инглиз тили дарслиги шу тариқа юзага келди. У ўқув дафтарлари ҳамда аудиокассета билан биргаликда сотувага чиқарилди.

Кино санъати икки ойлиги

Анджон вилоят ҳокимлиги январ-феврал ойларида кино томошалари икки ойлигини ўтказишга қарор қилди. Янги йилнинг бу дастлабки ширк тадбири меҳнатқашар мазмуни ва намунали дам олишни таъминлашнинг мўлжаллаб ўтказилмоқда. Ойлик доирасида ёшларнинг маънавий-маърифий ва ватанпарварлик тарбиясиغا ҳизмат қилувчи илмий-оммабоп ва бадиий фильмларга кенг ўрин берилади.

Чоршанба хабарлари

Янгиликлар, воқеалар, фактлар Уй-музейларда бепул хизмат Ҳозир мамлакатимизда ўндан ортиқ уй-музейлар фаолият кўрсатмоқда. Ўзбекистон Маданият ишлари вазирлиги тасарруфидеги бу маданият ўқуқлари мактаб ўқувчиларининг қишки таътиллари кунларида янада гавжум бўлиб қолди. Маданий-маърифий ва музей ишлари бошқармаси ёшларнинг бундай вақтларини мазмуни ўтказиш, уларга маънавий озуқа бериш мақсадида очик эшиклар кунларини ташкил этмоқда. Ойбек, Гафур Фулом, Абдулла Қаҳҳор, Мухтор Ашрафий, Юнус Ражабий ва бошқа атоқли юртошларимизнинг уй-музейлари толиби илмларни ўз бағрига қоралаб, уларга бепул хизмат кўрсатишга киришди. Ёшлар қизиқарли экспозициялар билан яқиндан танишиб, давра суҳбатларида қатнашиб, маданият ҳаётимиз янгиликларидан баҳраманд бўлоқдалар. Акбар АЛИЕВ.

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига Янги, 2001 йил муносабати билан энг эзгу тилақларимни йўллайман.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига Янги йил муносабати билан энг эзгу истакларимни йўллайман.

«JETRO» компанияси бундан бундан ҳам Сизнинг мамлакатингизга технологиялар ва сарможа жалб этиш борасида қатъият билан ишлайверди, деб Сизни ишонтиради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Абдуғаниевич Каримовга Мухтарам Ислам Абдуғаниевич!

Янги, 2001 йил муносабати билан самимий қутловларимни қабул қилгайсиз. Сизга чин қалбдан муваффақиятлар, сийхат-саломатлик, омонлик ва бахт-саодат тилашга ижозат бергайсиз. Камол эътиром ила,

Ўзбекнинг ўз энциклопедияси

Инсоният янги XXI асрга қадам қўйган бугунги шўққўли кунларда мамлакатимиз маънавий ҳаётини давом эттириш ва ривожлантиришнинг биринчи жилди нашрдан чиқди.

Энциклопедияни очилиши билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг «Ўзбекистон миллий энциклопедияси ўқувчиларига» йўллаган табрик хати ва шу ҳафта энциклопедиянинг ўзбек халқи ҳаётини тўртта ўрни ҳақидаги илқ сўзларни ўқийсиз:

«...Аваламбор, мамлакатимиз илм ва ижод аҳлини, зиёлиларни, ўқувчи ва талаба қишларни — бутун халқимизни мамлакатимиз маданият ҳаётини давом эттиришнинг муҳим аҳамиятига эга. Чунки энциклопедиянинг маънавий ҳаётимизда аҳборот манбаи сифатидаги маърифий ўрни беқиёс.

Энциклопедиянинг асосий вазифаси — аввало, Ўзбекистоннинг буюк тарихи, бетақор маданиятини, улуг мутафаккир ва алломаларимизнинг умумбашират тараққиётига қўнган беқиёс ҳиссасини, бир сўз билан айтганда, Ўзбекистон деб аталган гўзал юртининг ўзига хос ва ўзинга мос қиёфасини, Ватанимизнинг табиий-иқтисодий ва маънавий салоҳиятини, энг катта ва ноёб бойлигимиз бўлиши мана шу муқаддас заминда яшаб ўтган ва яшаётган одамларнинг ибратли фаолиятини бутун дунёга намойиш этишдир.

Шу билан бирга, миллий қомусимиз ҳар қайси инсон учун, халқимиз ҳаётини қизиққанган одамлар ва зиёлилар, турли соҳа мутахассислари учун муҳим илмий манба, бебаҳо ҳазина сифатида хизмат қилади. Бу суратлар Ўзбекистон Президенти маънавиятнинг ҳар бир чашмасига ниҳонда катта эътибор билан қарашининг яна бир ёрқин тилмолидир.

Китобнинг «Муқаддима»-сида Миллий энциклопедиянинг мазмуни мундарижаси, йўналиши қисқа ва лўнда баён қилинган. Энциклопедиянинг мазмуни ва мундарижасини белгилашда жаҳон қомусининг аниқликлари билан, бу соҳада мамлакатимизда ортирилган ижобий таъриботдан фойдаланишга ҳаракат қилинган. «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» (ЎЗМЭ) фан, техника ва маданиятнинг барча соҳалари оид маълумотларни мухтастар тарзда ифодалаб, инсоният цивилизациясининг муҳим ютуқлари ҳақидаги билимлар мазмунини ўзида жамлайди.

Ўзбекистон Республикаси ҳақидаги материаллар ЎЗМЭ умумий ҳажмининг асосий қисминини ташкил қилади. Унда халқимизнинг ўз мустақиллигини қўлга киритилган кейинги даврда Президент Ислам Каримов раҳномалигида ижтимоий-иқтисодий, маънавий-саноий ҳаётда қўлга киритаётган улкан ўзгаришларни батафсил ёритишга ҳаракат қилинди. Ўзбекистоннинг энг қадимги даврлардан ҳозиргача бўлган тарихи, шунингдек мустамлақачилик зулмига қарши, юрт озодлиги ва мустақиллиги йўлида

Курраи заминда

Европа Иттифоқи режаси Европа Иттифоқи (ЕИ) ҳозир янги ағдаликлар мўлоқотларининг янги кунларида иттифоққа қабул қилиниши режалаштирилди. Бу ҳафта ЕИ комиссари, Германия вакили Гунтер Серхойн мўлоқотларда иштирок этишга келишди. Унинг айтишича, янги келажакда ЕИга қабул қилиниши мўлоқотлари аниқ белгиланган амалда мўмкин эмас. Чунки айни пайтда мўлоқот мамлакатлар ЕИга қўшилиши учун талай талабларга жавоб бера олмайдди, — деди Гунтер Серхойн ўз сўзида.

Буш жамоаси хизматга тайёр

АҚШнинг янги сайланган 43-президенти кичик Жорж Буш янги ҳукумат ағдаликларини тўлиқ тартибда қўришга тайёр. Бушнинг демократ Норман Мангетани президентлиги вақтида иштирок этиши билан сенатор Сенер Абрахам энергетика вазири ва Ландо Чавески мўлоқот вазири этиб тайинлашни эълон қилди. Энди Оқ уй соҳиб томонидан

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ҚАРОРИ

«Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҚАРОР ҚИЛАДИ: 1. «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини матбуотда эълон қилинган кундан эътиборан амалга киритилсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси Э. ХАЛИЛОВ

Тошкент шаҳри, 2000 йил 14 декабр.

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида «Халқ сўзи» — «Народное слово» 2001 йил

барча реквизитлари, эълон қилинган расмий манбалари ва кучга кириш санасини кўрсатиш шарти билан ружхат этилади.

25-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни эълон қилишнинг расмий манбалари

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси», «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорлари, Ўзбекистон Республикасининг Президентининг фармонлари эълон қилинадиган расмий манбалар ҳисобланади.

«Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорларининг тўплами», «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинадиган расмий манбалар ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан нашр этиладиган «Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларнинг меъёрий ҳужжатлари Ахборотномаси», вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг расмий нашрлари Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинадиган расмий нашрлар ҳисобланади.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари мазкур орган-

билан биргаликда ёки уларнинг биттаси томонидан бошқалари билан келишилган ҳолда қабул қилиниши мумкин.

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг тармоқ бўлинмалари ва ҳудудий органлари норматив-ҳуқуқий тусдаги ҳужжатлар қабул қилишга ҳақиқ эмас, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

13-модда. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ўз ваколатлари доирасида қарорлар шаклида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилади.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Ўзбекистон Республикасининг Президенти, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг, шунингдек, юқори туровчи маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари асосида ва уларни ижро этиш учун қабул қилинади.

14-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ўзаро нисбати

Турли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг юридик кучи бўйича ўзаро нисбати Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида, норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилган органнинг ваколати ва мақомига, шунингдек, ҳужжатларнинг

мўлжалланган муддат тугаганда ёки ҳодиса бошланганда; норматив-ҳуқуқий ҳужжат (унинг қисми) қонунда белгиланган тартибда конституциявий эмас деб топилганда; норматив-ҳуқуқий ҳужжат (унинг қисми) ўз кучини йўқотган деб топилганда; норматив-ҳуқуқий ҳужжат қонунда назарда тутилган ҳолларда бекор қилинганда.

V. Яқунловчи қоидалар

31-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни шарҳлаш

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни шарҳлаш норматив-ҳуқуқий ҳужжатда ноаниқликлар топилган, у амалиётда нотўғри ёки мантқиққа зид тарзда қўлланилган ҳолларда амалга оширилади. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида мувофиқ қонунларнинг нормаларига Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди шарҳ беради.

Қонун ости ҳужжатларига уларни қабул қилган органлар расмий шарҳ беради.

Шарҳлаш жараёнида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга тузатишлар, қўшимчалар ва аниқлаштирувчи нормалар киритилишига йўл қўйилмайди.

32-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни мунгазам нашр этиш

қўйилмаган асосий талаблар Қорақалпоғистон Республикасининг қонун ҳужжатлари билан ҳам белгиланади.

4-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилувчи органлар ёки мансабдор шахслар

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Ўзбекистон Республикасининг Президенти, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилувчи органлар ёки мансабдор шахслар (бундан бўён матнда органлар деб юритилади) ҳисобланадилар.

II. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг турлари ва ўзаро нисбати

5-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг турлари

Қуйидагилар норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳисобланади:

- а) Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси; б) Ўзбекистон Республикасининг қонунлари; в) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорлари; г) Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари;

жати қабул қилган орган раҳбари томонидан; маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари — тегишли ҳоким томонидан.

21-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг реквизитлари

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қуйидаги реквизитларга эга бўлади:

- ҳужжатнинг тури ва номи; ҳужжат қабул қилинган жой, сана ва ҳужжат рақами; тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни имзо қўйиб тасдиқлашга расман ваколати бўлган шахсларнинг фамилияси, лавозими ва имзолари.

22-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказишга тақдим этиш

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралари норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган кундан эътиборан ўн кун ичида уларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига тақдим этади.

23-модда. Янги норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинганлиги муносабати билан илгари қабул қилинган ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш

Янги норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинганлиги муносабати билан илгари қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга зарур ўзгартишлар ёки қўшимчалар киритилади ҳамда ил-

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳаларини тайёрлашга манфаатдор давлат органлари, илмий муассасалар ва бошқа ташкилотларнинг вакиллари, айрим фуқаролар жалб этилиши мумкин.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилувчи орган норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг лойиҳасини тайёрлашни давлат органлари, илмий муассасалар ва бошқа ташкилотларга, айрим фуқароларга белгиланган тартибда топшириши ёки шартнома асосида буюртма бериши мумкин.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилувчи орган бир неча давлат органлари, илмий муассасалар ва бошқа ташкилотларга, айрим фуқароларга муқобил лойиҳалар тайёрлашни топширишга ёки улар билан шартномалар тузишга, шунингдек, энг яхши лойиҳа учун танловлар эълон қилишга ҳақлидир.

Иқтисодиётнинг алоҳида тармоқлари, давлат бошқарувининг бошқа соҳаларига доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳаларини тайёрлашга тегишли тармоқлар ёки бошқарув соҳаларининг ҳолати ва ривожланиши учун масъул бўлган вазирликлар, давлат қўмиталари ёки идоралари жалб этилади.

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш бўйича ишшни мувофиқлаштириб туриш, қонун ҳужжатларига мувофиқ,

борига етказиш норматив-ҳуқуқий ҳужжат матни билан монеликсиз (эркин) танишиш ҳуқуқини таъминловчи ҳар қандай шаклда амалга оширилиши мумкин.

27-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг орқага қайтиш кучи

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар орқага қайтиш кучига эга эмас ва улар амалга киритилганидан кейин юзага келган муносабатларга нисбатан таъбиқ этилади.

Қонун, у амалга киритилишига қалар юзага келган муносабатларга нисбатан, агар бу ҳоллар қонунда бевосита назарда тутилган бўлса, таъбиқ этилиши мумкин. Агар қонун хатти-ҳаракатлар солидир этилган пайтда жавобгарликка сабаб бўлмаган ёки энгилроқ жавобгарликка сабаб бўлган хатти-ҳаракатлар учун юридик ва жисмоний шахсларнинг жавобгарлигини белгилаш ёки кучайтириши назарда тутса ёхуд юридик ва жисмоний шахсларга моддий зарар келтирса, қонунга орқага қайтиш кучини бериш мумкин эмас.

28-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг амал қилиш муддати

Норматив-ҳуқуқий ҳужжат, агар унинг матнида бошқа изох берилмаган бўлса, муддатсиз амал қилади.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжат амал қилишнинг вақтинчалик муддати бутун ҳужжат учун ёки

си олий юридик кучга эга ва Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудига қўлланилади.

Ўзбекистон Республикасида қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси асосида ва уни ижро этиш учун қабул қилинади ҳамда унинг нормалари ва принципаларига зид келиши мумкин эмас.

8-модда. Ўзбекистон Республикасининг қонунлари

Ўзбекистон Республикасининг қонунлари энг муҳим ва барқарор ижтимоий муносабатларни тартибга солиди ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан ёки референдум ўтказиш орқали қабул қилинади.

9-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорлари

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорлари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари асосида ҳамда уларни ижро этиш учун қабул қилинади.

10-модда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари асосида ҳамда уларни ижро этиш учун фармонлар шаклида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилади.

лар, кичик бандлар ва хатбошилар бўлиши мумкин. Бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда норматив кўрсатмалар тартиб рақамига эга бўлган бандлар тарзда баён этилади. Бандлар кичик бандларга ва хатбошиларга бўлиниши мумкин.

Ҳажм жиҳатдан йирик норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун жиҳатдан яқин бўлган моддалари (бандлари) параграфлар ва бобларга бириктирилади. Зарур ҳолларда боблар бўлимларга ва кичик бўлимларга бириктирилиши мумкин. Бўлимлар, кичик бўлимлар, боблар ва параграфлар сарлавҳаларга ва тартиб рақамларига эга бўлади.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда қонун ҳужжатларига киритилаётган юридик, техникавий ва бошқа махсус атамаларнинг таърифлари берилиши мумкин.

Зарур ҳолларда норматив-ҳуқуқий ҳужжатда юқоридаги юридик кучга эга бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг айрим қоидалари мазкур ҳужжатларга ҳавола қилинган ҳолда айнан такрорланади.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда, қонда тарихида, худди шундай юридик кучга эга бўлган амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг норматив кўрсатмалари қайта айнан такрорланмайди.

хассислар муҳокамасига қўйилиши мумкин.

17-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг лойиҳасини норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилувчи органга киритиш

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг тайёрланган лойиҳаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилувчи органга тақдимнома билан киритилади. Тақдимномада ҳужжатни қабул қилишнинг зарурлиги асослаб берилади, уни ишлаб чиқувчилар кўрсатилади, ҳужжат мазмунининг қисқача тавсифи берилади, лойиҳа келишилган давлат органлари, шунингдек, ташкилотларнинг рўйхати келтирилади, келишмовчиликларнинг мазмуни ва улар ҳақидаги асосий фикр қисқача баён этилади.

Зарурат бўлганда, норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасига уни асослаш учун молиявий-иқтисодий ҳисоб-китоблар, статистика маълумотлари ва бошқа ахборотлар илова қилинади.

18-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг экспертизаси

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳалари ҳуқуқий экспертизадан ўтказилиши шарт.

Ҳуқуқий экспертиза давомида норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг лойиҳаси Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонун ҳужжатларига, шунингдек, қонунчилик техникаси қоидаларига мувофиқлиги текширилади. Ҳуқуқий экспертиза норматив-ҳуқуқий ҳуж-

Дўконларда маҳсулотлар бисёр

Пахтабод туманидаги «Пахтакор» матлубот савдо-ишлаб чиқариш ҳиссадорлик жамияти жамоаси аҳолига намунали хизмат кўрсатмоқда. Жамият тасарруфидagi 20 дан зиёд дўконлар тўлиқ таъмирдан чиқарилиб, замонавий жиҳозлар билан безатилган. Уларда аҳоли эҳтиёжи учун зарур 8 турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари билан бирга, қишлоқ хўжалиги неъматлари, туҳум, товۇқ гўшти, калбаса, шарбат ва ширинликлар ҳам сотилмоқда. Бундан ташқари ҳиссадорлик жамиятида 2 та макарон цехи, 10 та новвойхона ишлаб турибди.



СУРАТЛАРДА: Ёлчибоз қишлоғидаги қайта таъмирланган аралаш моллар дўконининг умумий кўриниши; Учқўла қишлоғида жойлашган озиқ-овқат дўқони сотувчиси Нафиса Отажоновна харидорга хизмат кўрсатмоқда. Шухрат ОЛИМОВ (Ўза) олган суратлар.

Мозийнинг ўқилмаган саҳифаси

XVI асрда Карманда яшаб ўтган машҳур мўтабар зот Қосим Шайх Азизон ҳақида кенг жамоатчилик деярли ҳеч қандай маълумотларга эга эмас эди. Яқинда А. Қодирий номидаги халқ мероси нашриётда чоп этилган «Қосим Шайх Азизон» рисолида ана шу тарихий шахс ҳаёти ҳақида тарихий манбалар асосида ҳикоя қилинади. Республика «Маънавият ва маърифат» кенгаши Навоий вилоят маркази раҳбари, тарих фанлари доктори, профессор Сулаймон Иноят, тарих фанлари номзоди Х. Тураев, иқтисод фанлари номзоди М. Саидовлар ҳамкорлигида яратилган мазкур рисола академик Бўрибой Аҳмедовнинг кириш сўзи билан бошланган. Унда Қосим Шайхнинг Нақшбандия тариқатига тегишли силсиласи, пиру муридлари тўғрисидаги маълумотлар келтирилган. Шу билан бирга, унинг Шайхонийлар даври ижтимоий-сиёсий ҳаётида тутган ўрни, халқнинг тинчлиги ва оқсоқиллиги бўлиди. Бухоро ҳукмдори Абдулла-хонга маънавий таъсир ўтказганлиги, Туркистон ўлкасида марказлашган давлат тузишда кўрсатган ёрдамлари муҳим далиллар билан атрафлича ёритилган. Олий ва ўрта махсус мактаб муаммолари институти ҳамда Халқаро Амир Темур хайрия жағмағамасининг вилоят бўлими томонидан нашрга тайёрланган бу мўъжазгина китобча қисқа фурсатда вилоят миқёсида қўлдан-қўлга ўтиб ўқилди ва ўқилмоқда. Абдуваҳоб ПИРМАТОВ, «Халқ сўзи» музбири.

турларига мувофиқ белгиланади.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжат ўзига қараганда юқорироқ юридик кучга эга бўлган бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ бўлиши шарт.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар бир-бирига тўғри келмаган ҳолларда юқорироқ юридик кучга эга бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжат қўлланилади.

Тенг юридик кучга эга бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар бир-бирига тўғри келмаган ҳолларда кейинроқ қабул қилинган ҳужжат қоидалари амал қилади.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилган вазирлик, давлат қўмитаси ёки идорасининг ижтимоий муносабатларининг муайян соҳасини тартибга солиш учун махсус ваколати бўлса, ушбу орган қабул қилган ҳужжат бир хил даражадаги бошқа вазирлик, давлат қўмитаси ёки идорасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатига нисбатан юқорироқ юридик кучга эга бўлади.

III. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга қўйиладиган асосий талаблар

15-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг тайёрлишини ташкил этиш

Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқарган орган, қоида тариқасида, лойиҳани тайёрлаш юзасидан комиссия тузади.

8

гари қабул қилинган барча ҳужжатлар ёки уларнинг қисмлари, агар улар янги норматив кўрсатмаларга зид бўлса ёхуд янги ҳужжат билан тўлалигича қамраб олинган ёки амалда ўз аҳамиятини йўқотган, лекин расман ўз кучини йўқотган деб эътироф этилмаган бўлса, ўз кучини йўқотган деб эътироф этилмоғи керак.

IV. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни эълон қилиш, уларнинг кучга кириши ва амал қилиши

24-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни эълон қилишга қўйиладиган талаблар

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар расмий нашрларда эълон қилиниши керак. Ҳаммининг эътибори учун расман эълон қилинмаган қонун асосида ҳеч ким судланиши, жазога тортилиши ёки мол-мулкдан маҳрум қилиниши мумкин эмас.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжат расман баён тарзида эълон қилинишига йўл қўйилмайди.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжат расман эълон қилинганда унинг барча реқвизитлари кўрсатиллади.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни норасмий нашрларда эълон қилишга, шунингдек, уларни қонун ҳужжатларининг электрон маълумот тизимлари орқали тарқатишга бу ҳужжатлар расмий манбаларда эълон қилинганидан сўнг ҳамда

17

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида

I. Умумий қоидалар

1-модда. Ушбу Қонуннинг асосий вазифалари

Ушбу Қонун норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тушунчаси, турлари ва уларга қўйиладиган асосий талабларни белгилайди.

2-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат тушунчаси

Ушбу Қонунда белгиланган шаклда қабул қилинган, умуммажбурий давлат кўрсатмалари сифатида қонун ҳужжатлари нормаларини белгилаш, ўзгартириш ёки бекор қилишга қаратилган расмий ҳужжат норматив-ҳуқуқий ҳужжат деб ҳисобланади.

3-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Қорақалпоғистон Республикаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг турлари ва уларга

2

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилувчи органлар норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тўпламлари ва мажмуаларини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда нашр этиши ёхуд уларни бошқа органлар ва ташкилотлар нашр этиши тўғрисида топшириқлар беради.

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралари ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг бир тизимга солинган мажмуаларини нашр этади, мажмуаларни назорат ҳолатида сақлайди, уларга қўшимчалар нашр этади, уларни қайта нашр этади.

33-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат томонидан ҳисобга олиш

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат томонидан ҳисобга олиш бундай ҳужжатларни марказлашган тарзда йиғиш ва рўйхатга олишдан, уларнинг фондларини ҳамда бу ҳужжатлар ҳақидаги марказлашган ахборотларни яратиш ва назорат ҳолатида сақлаб туришдан иборатдир.

Ўзбекистон Республикасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат томонидан ҳисобга олиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2000 йил 14 декабр.

23

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан амалга оширилади.

16-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатни тайёрлашда норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг қўлланиш амалиётини ҳамда жамоатчилик фикрини ўрганиш

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатни тайёрлашда лойиҳани ишлаб чиқувчи орган:

лоиҳа мавзусига доир қонун ҳужжатларининг қўлланилиш тажрибасини ўрганади ва ҳисобга олади, ҳуқуқий тартибга солишга бўлган жамоатчилик эътиёжини, қонун ҳужжатларининг самардорлигига таъсир этувчи сабаблар ва шартларни аниқлайди;

давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва жамоат бирлашмалари, шунингдек, фуқароларнинг тақлифларини, оммавий ахборот воситаларининг материалларини, илмий муассасалар, олимлар ва мутахассисларнинг тавсияларини, жамоатчилик фикрини аниқлашнинг бошқа воситалари маълумотларини умумлаштирилади ва улардан фойдаланади;

бошқа давлатлардаги қонунчилик йўли билан тартибга солиш тажрибасини ҳисобга олади.

Қонун лойиҳалари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда умумхалқ муҳокамасига қўйилиши мумкин. Бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳалари жамоатчилик ёки мута-

10

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг моддаларида (бандларида) унинг бошқа моддаларига (бандларига), шунингдек, амалдаги бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга, уларнинг айрим қоидаларига ҳаволалар норматив кўрсатмаларнинг ўзаро боғлиқлигини кўрсатиш зарурати бўлган ҳолларда ёки такрорлашларга йўл қўймаслик учун қўлланилади.

20-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг расмий матнини имзо қўйиб тасдиқлаш

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг расмий матни қуйидаги тарзда имзо қўйиб тасдиқланади:

Ўзбекистон Республикасининг қонуни — Ўзбекистон Республикасининг Президенти томонидан;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарори — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раиси томонидан;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони — Ўзбекистон Республикасининг Президенти томонидан;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Раиси томонидан ёки унинг топшириғига биноан Ўзбекистон Республикаси Бош вазири томонидан;

вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари — ҳуж-

15

д) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари;

е) вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг ҳужжатлари;

ж) маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари.

6-модда. Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қонун ҳужжатлари ҳисобланади ва улар Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари мажмуини ташкил қилади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорлари қонунлар ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари қонун ости ҳужжатлари ҳисобланади.

7-модда. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонуларининг устулиги

Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонуларининг устулиги сўзсиз тан олинади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституция-

4

унинг қисмлари учун белгиланиши мумкин. Бундай ҳолда унда ҳужжат (ёки унинг қисми) қайси мuddатга ёки қандай ҳодиса юз берганига қадар ўз кучини сақлаб қолиши кўрсатилиши зарур.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилган орган белгиланган мuddат тугагунга ёки ҳодиса юз бергунга қадар ҳужжатнинг амал қилишини янги мuddатга, бошқа ҳодиса юз бергунга қадар узайтириш тўғрисида ёки ҳужжатга мuddатсиз тус бериш ҳақида қарор қабул қилиши мумкин.

29-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг шахслар доираси бўйича амал қилиши

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг амал қилиши Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ва юридик шахсларига, агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида бошқа қоида белгиланмаган бўлса, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги чет эллик юридик шахсларга, чет эл фуқаролари ва фуқаролити бўлмаган шахсларга табиқ этилади.

30-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат амал қилишининг тугатилиши

Норматив-ҳуқуқий ҳужжат (унинг қисми) қуйидаги ҳолларда амал қилишини тугатади:

норматив-ҳуқуқий ҳужжат (унинг қисми)

21

жат лойиҳасини тайёрлаган органнинг ёки норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қиладиган органнинг юридик хизмати, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан амалга оширилиши мумкин.

Кирилган лойиҳанинг сифатига баҳо бериш учун норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилувчи органнинг қарорига биноан норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг лойиҳаси бошқа хил (иктисодий, молиявий, илмий-техникавий, экология ва ўзга) экспертизадан ҳам ўтказилиши мумкин. Экспертлар сифатида тегишли лойиҳани тайёрлашда илгари бевосита иштирок этмаган ташкилотлар ва шахслар жалб этилади. Экспертга ўтказиш учун бошқа давлатлар ва халқаро ташкилотлардан олимлар ва мутахассислар тақлиф этилиши мумкин. Экспертлар норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг лойиҳасига баҳо беришда мустақиллик ҳамда экспертиза ўтказишни топширган органнинг нуқтани назари билан боғлиқ эмаслар.

19-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг мазмунига нисбатан қўйиладиган талаблар

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг матни лунда, оддий ва равои тилда баён этилади. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатда фойдаланиладиган тушунчалар ва атамалар уларнинг амалдаги қонун ҳужжатларида қабул қилинган мазмунига мувофиқ, турлича шарҳлаш имкониятини истис-

12

но этадиган тарзда бир хилда қўлланилади. Эскирган ҳамда кўп маънони англатадиган сўзлар ва иборалар, мажозий таққослашлар, сифатлашлар, киноялар қўлланилишига йўл қўйилмайди.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатда уни амалга оширишнинг ҳуқуқий воситалари, шу жумладан, молиялаштириш манбалари, рағбатлантириш, мукофотлаш ва назорат қилиш чора-тадбирлари кўрсатилиши мумкин.

Давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва жамоат бирлашмалари, шунингдек, мансабдор шахслар ва фуқароларнинг мажбуриятларини белгиловчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатда ушбу мажбуриятларни бузганлик учун жавобгарлик чоралари (агар бундай чоралар қонун ҳужжатларида назарда тутилган бўлмаса ёки махсус ҳужжатда белгиланиши керак бўлмаса) назарда тутилади.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатга уни қабул қилиш сабаблари ва мақсадларини тушунтиришдан иборат бўлган муқаддима киритилиши мумкин. Норматив кўрсатмалар муқаддимага киритилмайди.

Қонуларда норматив кўрсатмалар тартиб рақамга эга бўлган моддалар тарзида баён этилади. Қонуларнинг моддалари қисмларга бўлиниши мумкин. Моддаларнинг қисмларида банд-

13

11-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонуларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорларига мувофиқ қарорлар шаклида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилади.

12-модда. Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралари ўз ваколатлари доирасида буйруқлар ва қарорлар шаклида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилади. Низомлар, қоидалар ва йўриқномалар тарзида қабул қилинадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар буйруқ ҳамда қарорлар билан тасдиқланади.

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонуларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг, Ўзбекистон Республикасининг Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари асосида ҳамда уларни ижро этиш учун қабул қилинади.

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари бир неча вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралари

6

ларнинг расмий нашрларида эълон қилинади.

26-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг кучга кириши

Ўзбекистон Республикасининг қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорлари, шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари, агар ҳужжатларнинг ўзида бошқа мuddат кўрсатилган бўлмаса, расман эълон қилинганидан сўнг ўн кундан кейин кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари тегишчанга Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгиланган тартибда кучга киради ва улар эълон қилиниши шарт.

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари, агар ҳужжатнинг ўзида кечроқ мuddат кўрсатилган бўлмаса, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигидан давлат рўйхатидан ўтказилгандан сўнг ўн кундан кейин кучга киради.

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари давлат рўйхатидан ўтказилган кундан эътиборан ўн кунлик мuddат ичида барча манфаатдор шахслар эътиборига етказилиши лозим. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатни манфаатдор шахслар эъти-

19

• Ҳикмат

Билганинг дарё бўлса, билмаганинг — денгиз.

Янги шифо маскани

Янгибод туманининг Совет қишлоғида 4,5 минг нафар аҳолига хизмат кўрсатадиган қишлоқ врачлик пункти фойдаланишга топширилди.

Қуркам, замонавий қулайликларга эга бўлган тиббий масканга 7 миллион сўмлик асбоб-ускуналар ўрнатилган. Врачлик пункти биносини қуриб битказилишида қўшни Зомин туманидаги махсус кўча жамлама қурувчилари муносиб улуш қўшдилар.

Ўз мухбиримиз.

• Жумбоқ

Салима кўл соатига янги батарея қўйганда сўнг миллион соғия ўтди. Бу қанча вагга тенг? Неча кун, неча ҳафта ёки неча йил? Калькулятордан фойдаланмасдан топишга ҳаракат қилинг.

Кечаги сонда берилган жумбоқнинг жавоби: 21 метр. Бу ҳақда тошкентлик Қўқор Норқобил, Маҳбубахон Бегматова ва Атҳамжон Исмаиловлар тахириятимизга 136-35-60 телефони орқали хабар қилишди.



Ўзбекистон Республикаси Марказий банки жамоаси Марказий банк аппаратурининг бўлим бошлиғи О.Х.Қўшиевага волида муҳтарамаси

Бувиҳожар ҚУШИЕВнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент автомобил-йўллар институти жамоаси «Автомобиллар» кафедраси доценти Баҳром Сотиводиева оналари **КАМБАРҲОН** аянинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Тошкент автомобил-йўллар институти жамоаси «Автомобилсозлик. Янги технологиялар» кафедраси доценти Ғайрат Убайдуллаевга оталари **ҚУЧҚОР** отанинг вафотлари муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Тошкент архитектура қурилиш институти жамоаси «Қурилиш технологияси» кафедрасининг доценти **Абдулазиз ТАШМУХАМЕДОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан унинг оиласи аъзоларига чуқур таъзия билдиради.

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ

Тахир хайъати: Э. Болиев (масъул котиб — «Халқ сўзи»), М. Егоров (масъул котиб — «Народное слово»), Ш. Жабборов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Ш. Ризаев, С. Зинин, М. Миралимов, С. Муҳиддинов, М. Сафаров, Р. Фарҳодий, И.Худойёров, И. Шогўломов, О. Қанибергенов (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), Ҳ. Ҳошимов.

ТЕЛЕФОНЛАР:

Хатлар бўлими 136-29-89; Котибиат 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001. Буюртма Г — 1115. 18120 нухала босилган, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган.

Қозғ бичими А-2

Газета IBM компьютерда тартидан на оператор Жамил ТОҒАЕВ томонидан саҳифаланд.

Тахририятда ҳақми 5 қогодан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси басмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Босишга топшириш вақти—21.00

• МАНЗИЛИМИЗ:

700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи котиб — А. Оринов.

Навбатчи муҳаррир — Г. Йўлдошева.

Навбатчи — Э. Маклонов.

Мусаххач — А. Сатторов.

1 2 3 4 5 6